


# Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

3 сентябрь, чоршанба, 1997 йил  
Соғувда эркин нарҳда. № 184 (1701)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 сентябрь куни Россия Федерацияси Хавфсизлик Кенгаши котибининг уринбосари Борис Березовскийни қабул қилди.

Ислам Каримов Ўзбекистон-Россия муносабатлари юксак bosқичга кўтарилаётганини таъкидлар экан, Б. Березовскийнинг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг янада кенгайтиришга туртки беражгага умид билдирди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).  
СУРАТДА: қабул пайти.

А. ТҮРАЕВ олган сурат.

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Буюк Британия парламентининг Ўзбекистон билан алоқалар бўйича гуруҳи раҳбари, Лордлар палатаси аъзоси Виктор Уэверли Жон Десмонд раҳбарлигидаги ушбу мамлакат делегацияси аъзолари 2 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов билан учрашди.

Учрашувда меҳмонлар мамлакатимизда амалдаги ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар, хусусан, қонунчилик соҳасида юз бераётган ўзгаришлар ҳамда Ўзбекистон парламенти фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Мулоқот чоғида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда минтақавий хавфсизлик, гиёҳандликка қарши кураш, Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалалар муҳокама этилди.

Учрашувларда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Барбара Логан Хей ҳозир бўлди.

(ЎЗА).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ  
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,  
Мамлакатимиз Мустақиллиги Кўни муносабати билан Сизга, Ўзбекистон Хукумати ва халқига самимий қутловларим ва эзу истакларимни йўллаётганимдан гоят хушнудман.

БМТ Уставида кўрсатиладиган, ялпи ҳамжиҳатлик каби олий мақсадлар сари ҳаракатда Ўзбекистон сарфлаётган куч-гайратини маъқуллашман.

Биз ҳаммамиз дуч келётган таҳдидларни бартараф этишда мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлаётган бир вақтда Ўзбекистон билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасидаги мавжуд муносабатлар мустаҳкамланишига умид қиламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган камолти эҳтиромимни қабул қилаёғиз.

Кофи АННАН,  
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ  
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич,  
Миллий байрам — Мустақиллик Кўни муносабати билан шахсан Сизга, Ўзбекистон Хукумати ва халқига йўллаган самимий қутловлар ҳамда эзу истакларимни қабул қилаёғиз. Ишончим комилки, Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик, шериклик ва эзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантириш мамлакатларимиз халқларининг ҳаётий манфаатларига мувофиқ бўлиб, Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилidir.

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, Сизга сўхат-саломатлик, бахт-саодат ва масъулиятли фаолиятида муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса омонлик ва равоқ тилашман.

Борис ЕЛЬЦИН,  
Россия Федерацияси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ  
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президенти Жаноблари,  
Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига эътиборимизни самимий тилакларимни мамнуният билан йўллашман.

Жорий йил барча соҳалардаги ҳамкорлигимиз устиди билан нишонланганидан бахтиёрман. Сизга маълумки, мен Франция билан Сизнинг мамлакатининг ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият бермакдман. Мамлакатимиз Марказий Осиёда юксалиш ва барқарорлик минтақаси бўлиб, унинг маданияти ерқилиши шу йил Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини байрам қилишда намоян этилди.

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари келгусида яна ҳам кўпроқ мустаҳкамланарсиз.

Жак ШИРАК,  
Франция Республикаси Президенти.

Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган ва қадимий Самарқандда бир ҳафта давом этган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали нихосига етди.

Шу кунлар мобайнида Регистон майдонида, шаҳар бўйлаб ташкил этилган саҳналарда Шарқ мусиқа санъатининг ноёб йўналишлари минглаб санъат муҳлислари қалбини ром этди. Фестиваль танловига тақдим этилган куй ва қўшиқларни минг-минглаб самарқандликлар, санъат муҳлислари қизин олқишлаб турди. Япония, Корея, Миср, Хиндистон, Таиланд, Покистон, Индонезия, АКШ, Юнонистон, Малайзия, Озарбойжон каби ўттиздан зиёд мамлакат вакиллари ҳам шақлан, ҳам мазмунан рағ-баранг тароналар ижро этсалар-да, уларнинг ҳар бирида чин инсоний меҳр-муҳаббат туйғуларини акс эттиб турди. Зеро, мусиқа ҳам қандай санъат асари каби миллат танламайди, у ўз моҳият-эътибори билан умум-башариётга хизмат қилади.

Самарқанд юраги — Регистон майдони 1 сентябрь кунини фестивал қатнашчилари, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар, мусиқа ихлосмандлари билан гажжум бўлди. Бу ерда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Анжуман голублари ва совриндорлари эълон қилинди.

Республика Бош вазирининг биринчи уринбосари, мазкур фестивални ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси Исмоил Жўрабеков ҳамда халқаро танлов ҳайъати раиси Харума Кашибано хоним томонидан биланнинг олқишлари остида анжуман голубларига фестивал совриндорларини топширдилар.

### ХАЛҚАРО МУСИҚА АНЖУМАНИ ЯКУНЛАНДИ

Халқаро ҳакамлар ҳайъати озарбойжонлик Симара Имонова санъатинин Гран-при — фестивалнинг энг олий мукофотига муносиб, деб топди. Биринчи мукофотга Муножат Йўлчиева (Ўзбекистон), Шан-нун Кухрана (Хиндистон), иккинчи мукофотга Хи Ли (Хитой), Шахрам Назарий (Эрон), учинчи мукофотга Цотсайхан (Мунгулстон), А. Сажокич (Россия), Рамазон Стамгозиев (Қозғистон) сазовор бўлдилар. Ҳакамлар ҳайъатининг маъсуе совринлари Исро Малаков (АҚШ), Кину Шигари (Япония), Самира Салоҳ ва чоғу дастасига (Миср) топширилди. Фестиваль ташкилий қўмитасининг маъсуе мукофотида Туркманистон вакили Парҳат Шихмом, ЮНЕСКО маъсуе совринига қоралик Ли Жан А. лойиқ топилди. Шунингдек, фестивал иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси жамоат ташкилотларининг, қорхона ва муассасаларининг, Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг эсадики совгалари тақдим этилди.

— Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида қатнашганинигиз, муборак узбек заминига ташриф буюрганлигиз учун Сиз, анжуман иштирокчиларига самимий ташаккур билдирди. — деди И. Жўрабеков. — Уйлашимизки, бу мусиқа байрами иштирокчилар ва санъат ихлосмандлари қалбига ўчмас эл қолдири.

Ҳайъат раиси Харума Кашибано хоним Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга, республика ҳукуматида ҳамда анжуман ташкилотчиларига самимий меҳмондўстлик, хайрихолик ва яратиб берилган шароит учун фестивалда қатнашган санъаткорлар номидан чучур миннатдорчилик изҳор этди.

Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларининг ҳар бир кунини учрашув ва мулоқотларга бой бўлди. Ўзбекистон Давлат Мустақиллигининг 6 йиллиги муносабати билан ташкил этилган халқ амалии санъати ва миллии ҳунармандчилик буюмлари кўргазмаси уларнинг эътиборини тортиди. Анжуман қатнашчилари Самарқанднинг қутлуғ қадамжолари — Улугбек расалдониси, Шоҳизода, Бибиноним, Гўри Амир ёлгорликларини қизиқиш билан томонша қўлдилар. Челек туманидаги Имом ал-Бухорий қабрини зиёрат этдилар. Энг муҳими, улар истиқлол шарофати билан мамлакатимизда амалга оширилётган тарихий ўзгаришлардан воқиф бўлдилар. Бағри кенг халқимизнинг юксак маънавияти, бунёдкорлик салоҳияти билан яқиндан танишдилар.

Самарқанддаги энг муҳташам «Афросиёб» меҳмонхонаси фестивал кунлари янада гажжум бўлди. Бу ерда «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» мавзусида ўтказилган илмий-амалии конференция қизгин фикр ва мулоҳазаларга, ижодий баҳасларга бой бўлди. Конференция қатнашчилари «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали аниқнавий бўлиб қолиши тўғрисида декларация қабул қилдилар.

Мазкур фестивал мамлакатимизнинг улкан салоҳияти, халқимизнинг маънавият ва санъатта буюк эҳтиромидан далолат берди. Ўзбекистоннинг умумбашарий қадриятлари, барча халқларнинг маданияти ва санъатида юксак эҳтиром билан қараганини дунё ахли олдига яна бир қарра намойиш этди. Фестиваль боис Шарқ халқлари, хусусан, узбек мусиқаси бутун оламга таралди.

Фестивалнинг расмий ёпилиш маросимида Президентининг Давлат наслатқчилари Б. Гуломов, Е. Жалолов, В. Нороз, У. Раҳматов, Президентнинг Матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст, Президент левони Ахборот маркази раҳбари С. Ҳакимов, Бош вазир уринбосарлари А. Анисзожоев, Б. Ҳамидов, Р. Юнусов, республика маданият ишлари вазири Х. Жўраев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулганов, Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев қатнашди.

# ЭНГ УЛУҒ КҮН ИНОЯТИ

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Халқ ўз тарихида озодлик кунини сифатида битилган санани нишонлаш учун кўчага чиқди. Йўқ, бу шунчаки бемақсад, тайин-туғуни йўқ манзиллар сари йўл олган оломоннинг ҳаракати эмас. Балки бу ўз тақдирини, келажакни яхши ва ёруғ томонга буриб юборган тарихий кун олдидаги халқнинг иззати ва эҳтиромидир.

Уйларни, йўлларни, кўнги-ларни салқин ва соф насимлар билан бирга алланечук бир сирли, сокин наво уйғотди. Чароғонлик инди. Тип-тиник борлиқда диллардан тошаётган кўтаринкиликни, қоршиқ манзарани кузатасиз. Негаки, одамлар ўтган йилги истиқлол байрамидан то бу айёмгача шу ҳур Ватанга нима нафим тегди, ўз ҳаётида эзу тарафга ўзгариш бўлдики, юртимизда кечаётган жараёнларга қандай муносабат билдирдим, бир йил ичида ўлкамиз тараққиёти учун виждонан ҳисса қўшимми, деган ўйлар билан ўзларини иттиҳон этишяпти.

Бугун Ўзбекистонимизнинг пойтахти гўзал Тошкентнинг Мустақиллик майдонидан тортиб барча ҳушманзара, сайил-гоҳ жойларида эл оҳангдай силқиб, тўлқиндай қалқиб улуг айдёми нишонламоқда. Катта-кучли кичик улкан сиёсий байрамимизни моҳияти жиҳатидан келажакимиз саодатининг калити, бахтимиз ёрқинлиги учун жасорат билан пойдевор қўйилган энг тарбарук кун дея ардоқлашяпти. Одамлар бир-бирини қўлашяпти. Шодибаналикни баҳам қўришяпти.



Истиқлол халқ байрамига айланапти. Ушбу ҳушчақчақ ҳолатдан каминанинг ҳам кўкси тоғдай юксалапти. Яхши, келинг, бир кўринг... Ҳеч бир сўзга, таърифга синамайдиган манзаралар ҳам бўладики, уларни жимгина кузатиш керак... Бугун... Тошкентда истиқлол шодибанасини ана шу шукўҳи ҳол билан изоҳлаш мумкин. Ҳамма шод. Кўнгилар юксак. Юрдошларимиз билан бўлган суҳбатимиз ҳам тетик ва баланд кайфиятда кечди.

**ШУҲРАТ АРМОН, журналист, истеъдодли ёшларни қўлаб-қуватлаган «Улугбек» жамағатимиз мукофоти совриндори:**

— Озодликни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Бу сўзни руҳдан ҳис қилиш мумкин. Биз янгидан ўзимизни танитишга ҳаракат қилаймиз, чамамда. Бирок, дунё бизни аллақачон таниб, маънавият осмонини ёритган нур манбаи сифатида тан олган эди. Агар маърифати чироқларнинг мангулигига эътибор қаратсак, демек, бизнинг қадимий улугўлимиз ҳеч бир замонда ўз қадрини йўқотмайди. Истиқлол эса миллат

руҳиятида ана шу улугворликни уйғотаяпти. Ўз қадрини англаб улуграётган одамда келажак ҳақида тасаввур соял бўлади. Мустақиллик қадри-қиммат, ориятни сақлаш ҳамда эртанги ёруғ кунларга тик боқиш учун имкониятдир.

**Фёруза НУРМУҲАММЕДОВА, ўқитувчи:**

— Келажак авлод камолоти йўлида ҳукуратимиз томонидан амалга оширилаётган эзу ишлардан барчамиз мамнунизм. Истиқлол шукўҳи фаран-дарларимиз кўнгида етиляпти. Улар борар йўлимизни аниқ билиб олишган. Энди ҳеч бир

кенг майдонда гуррос-гуррос одим отар экан, билингки, ўша мамлакатда умумбашарий гоҳлар танганга қўлгандай. Ўзбекистон осмонидан бутун миллионлаб одамларнинг шодлиги парвоз қилапти. Бу тарбарук заминда жаҳонга ойдин йўллар очилаяпти. Бу йўллардан нур оқмоқда, халқнинг қувончи чайқалиб бормоқда. Жаҳонга биз эзуликлар улашамиз, яхши-яхши куй-қўшиқлар улашамиз. Эркини кўз-кўз қилаётган халқнинг дилида бошқача уй бўлиши мумкинми?!

**Кўчор НОҚОБИЛ, «Халқ сўзи» муҳбири.**  
(Давоми 2-бетда).

## ДИЛ ИЗҲОРИ БОҚИЙ БЎЛСИН БАЙРАМИМИЗ

Ҳеч эсимдан чиқмайди, бундан ўн йиллар аввал худди шу майдонда ўтказилган кўнгида тадбирларда оддий фуқароларнинг қатнашиши тушларимизга ҳам кирмасди. Чунки сало-батли минбарларда савлатли партия раҳбарлари ва... «ўта фаоллар» кўр тўқиб ўтиришди. Хайриятки, у кунлар ўтди. Бугун Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро бу юртнинг осмонидан тоза ва озода нафас олаётганини чин юракдан ҳис қилаётганининг ўзи катта бахт. Чунки кечати қутлуғ байрамда менга ушуган оддий одамлар бу кунини қанчалар оринқиб қутганини ҳис қилдим.

Очиги, туманимиз аҳли билан тантанани кузатиб ўтириб, ёнимга қарадим. Бир тарафимда «Пахта» маҳалласи оқсоқоли Турғужон, иккинчи тарафимда эса саксондан ўтган бўлса-да, руҳи жуда тетик бўлган «Ачар» маҳалласи фаолларидан бири Назом ака Алимов ва бошқаларнинг қувончларини қандай таърифлашни билмайман. Бойси, бизларнинг ҳаммамиз жаннатий манзараларни кузатиб, юрдошларимизнинг юз-кўзларидан ҳаёжонларни кўриб жуда суюнлик. Бу барчамиз Ўзбекистонимизни, йўлбошчимизни ёмон кўзлардан асрашни йратгандан сўрадик.

Бизлар, кексалик гаштини суратланган шундай қутлуғ байрамни, гаройиб кечани ўз кўнимиз билан кўриб, озода Ватанимизнинг эртаси нури бўлишини исботини Мустақиллик майдонида сездик. Илоҳ, шундай қутлуғ кунларимиз кўп бўсин!

**Яқё ИБРОҲИМОВ,**  
Тошкент шаҳар, Собор Раҳимов туманидаги «Мевзор» маҳалласи фаоли.

# МУНОСАБАТ ВАТАН ИСТИҚБОЛИНИ ЎЙЛАБ

Республикамиз Олий Мажлисининг IX сессиясида эртанги ҳаётимиз учун муҳим бўлган кўпгина масалалар қаторида қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ва «Таълим ҳақида»ги Қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди. Сессия қатнашчилари ва хорийиқ меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг қадрлар тайёрлаш ва таълим тизимида олиб бориладиган ислохотлар тўғрисидаги нутқини эзу эътибор билан тингилдилар.

Мен мактабда тарих фанидан дарс бераман. Сўнгги пайларда таълим соҳасида эзу бераётган катта ўзгаришлардан меннинг ҳам хурсандчилигим беҳаддир. Мамлакатимиз Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ва «Таълим ҳақида»ги Қонунларни мо-

ҳизмат қилади.

Бу ҳужжатларга ўткир ижтимоий эҳтиёж тарихий тараққиётнинг ўзи кун тартибига қўйиб турган эди. Чунки мамлакатимиз Президенти сессияда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир.

Халқимиз тарихида ана шундай қудратли маданият ва маънавият соҳиб эди. Айрим бир замонларга келиб, биз халқимизнинг бу ютуқларини унутдик. Номимиз маданиятсиз, жоҳил миллатга чиқди. Бизни дегирли бир ярим аср нафақат жаҳондаги илгор цивилизация ютуқларидан

четда тутиб қолдилар, балки фикримизни ҳам сохта ақудалар билан кишанлаб ташладилар. Ҳатто ўз она тарихимиз, маданияти-миз, или-фанимиз бойликларидан ҳам бенабис бўлиб ўсдик.

Афсуски, бу даврга хос қарашлар, эски мафкура аломатлари анча яшовчан чиқиб қолди, яқин ўтмишдаги мавжуд дарсликларимиздан кейинги дарсликларга ҳам ўтиб келди. Айниқса, тарих фани ва дарсликларидан бу ҳол яққол кўзга ташланади.

Қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ва таълим тизими ҳақидаги қонунда маънавият-тимиз тарбиясидаги бундай муаммоларни ҳал этиш йўналишлари равшан кўрсатилган. Улар ўтмиш миллии қадриятлари ва урф-одатларига чучур эҳтиром уйғотиш билан бир қаторда энг илгор замонавий билим, малака эгаси бўлган янги авлодларни вояга етказишда ёрқин имкони-

ят уфқларини очди.

Янги таълим-тарбия замонавий янги тафаккур билан қуролланган ўқитувчилардан, миллий ва умуминсоний тафаккурнинг бойликларидан дунёга келган дарсликлар, энг илгор замонавий ўқув дастурлари ва ўқув қурол-воситаларидан бошланади. Юқоридаги ҳужжатларда булар ҳозирги куннинг энг муҳим вазифалари қилиб белгиланган.

Сессияда қадрлар тарбияси ва таълим тизimini тубдан ислох этишни қонунлаштирувчи ҳужжатларнинг қабул қилиниши улуг иш бўлди. Биз энди бу вазифаларни бажаришга қомил ишонч билан, астойиҳ билан шимариб киришмоғимиз зарур.

**Звёдулло ТУРСУНОВ,**  
Қашқадарь вилояти Яқобжор туманидаги Назомий номли ўрта мактабининг тарих ўқитувчиси.

# ЭНИГ УЛДУВ КҮН ИННОЯТИ

(Давоми. Бош 1-бегла).

## КОРАҚАЛПОФИСТОН

Дарҳақиқат, ўтган 6 йил мобайнида Ватанимиз мустақиллиги байрами кўз олдимида ҳаётимиздаги энг улғувор, энг тантанали ва оряқиб қутилидиган айёмлардан бирига айланди.



Булар қорақалпоқ қурувчиларининг байрамга муносиб тухфаси бўлди. Мустақиллик кўнига бағишланган бот тантаналари Нукусдаги республика майдониндаги маросимлар оғиб берди. Тантаналарнинг бадиий қисмида республиканинг «Ойқўлоқ», «Хурдимон» жамоалари, Бердақ номи давлат мусиқий театри санъаткорлари, Нукус шаҳри ва республика туманларидан келган бадиий ҳаваскорлар ўз дастурларини намойиш этишди.

Шунингдек, республика майдонинда спортчиларнинг чиқишлари, пойтахтдаги «Спартак» стадионинда футбол бўйича Қорақалпоғистон кубоги мусобақасининг финал уйини, «Крикет-ган» каналда эшакчилар баҳси, Нукус меҳмонхонаси олдида миллий кураш, каратэ, бокс беллашувлари ўтказилди. Қорақалпоғистон ишбилармонлари ва тадбиркорлари палатаси томонидан ташкил қилинган катта ярмаркада ташриф бурганлардан юзлаб атамаларни махсулотларини нафақат томоша қилиш, балки шу эрининг ўзида арзон баҳода сотиб олиш имконига эга бўлишди.

Пойтахтнинг бошқа майдон ва гузарларида «Азиз», «Оруз», «Гулдор» санъаткорлар жамоалари иштирокида катта байрам томошалари бўлиб ўтди. Ҳайитбой АБДУСОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## АНДИЖОН

Шу кунини шаҳардаги Бобур номидаги бош майдон, унга туташ кўчалар, хиббонлар ва Навоий номидаги истроҳот боғи кишилар билан гажум бўлди. Бу жойларда «Андижонсадво» концерни, вилоят матбуот коллегияси акционерлик жамиятлари уюшмаси корхоналари, ҳўжалик ва ташкилотлар ярмаркалар ташкил этган эди. Карнай-сурнай садолари эса юрда катта тантана, халқ сайли, байрам бошланганидан дерак берди.



Истиқлолни номдай азиз билган андижонликлар мустақилликни мустаҳкамлаш, ислохотларни чуқурлаштириш йўлида ҳалол ва мардона меҳнат қилмоқдалар. Улар ишлаб чиқаришда янги технология ва фан ютуқларини дадиллик билан қўлламоқдалар. Айнқисса, пиллакорлар гаулакорлар, пахтакору сохиборлар кўлга киритиб таштаган бутун мамлакатни кувонтирмоқда.

Мамлакат автомобилсозлигининг фахри «УзДЭУавто» қўшма корхонасида янги моделдаги «Нексиа», «Тико», «Ламарс» машиналарини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Қурувчилар жойларда ўнлаб мактаб, шифохона, спорт иншоотлари барпо этишди. Марҳумат туманида эса 25 минг тонна қимматбаҳо саноат хомашисини қайта ишлаш қувватига эга «Укуч» пахта тозалаш zavodi ишга туширилди.

Андижон шаҳрида Навоий ва Чўлпон боғлари қайта қурилмоқда. Хўжаободаги ер ости газ омбори, «Анджон-Уш-Сариғтош-Ирқаштош» йуналишидаги йул қурилиши жадвал олиб боришмоқда.

Ошлқон ШОИМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## БУХОРО

Юртимизнинг барча меҳнат аҳли каби бухорликлар ҳам мустақилликнинг 6 йиллигини зўр шодёна билан нишонладилар. Бухорои шариф шаҳар кўчалари шундай беэтилганки, кўриб ҳавасингиз келад.

«Бухоро» меҳмонхонаси қаршидаги бош майдонда энг катта байрам томошалари ташкил этилди. Вилоят ҳокими С. Хусенов тулланганларни байрам билан қизғин табриклади. Ўзбекистон қўшқ байрамни вилот кўриқ чанлови гоибларининг чиқишлари, Ватан ва Мустақиллик ҳақидаги қўшқлар дилларга завқ-шаўқ улашди.

одамлар рўқини кўтариб юборди. Вилоят меҳнаткашлари Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи билан ҳақиқи равишда фахрланмоқдалар. Бу улкан иншоотнинг байрам арафасида фойдаланишга топширилишида теран рамзий маъно бор.

Бухоро аҳли яна бир улут бай-

рам олдида турибди. Октябрь ойида шаҳарнинг 2500 йиллик юбилейи кенг нишонланади. Мустақиллик руҳи ва шуқўди ана шу қўтулг кўнга улаиб кетишига шубҳа йўқ.

Маннон ОТАБОЙ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ЖИЗЗАХ

Она-диёримизнинг Мустақиллик тўйини кўхна ва ҳамиша навқирон Жиззах аҳли ҳар йилгидан кўра зўр тайёргарлик, шоду хуррамлик билан нишонладилар.



ли болақонларнинг шодон қўтилари билан бошланди. «Урда» маданият ва истроҳот боғида вилот кўригучоқ театри ва Жиззах тумани бадиий ҳаваскорлик гуруҳларининг дастурлари намойиш этилди. Кечқурун вилот театрларида, «Иттифоқ» маҳалласида, «Ешлик» гузаринда оқшом тароналари янгради. Шароф Рашидов номи, «Дустлик» шоқўқчалари бўйлаб ранго-ранг туниги ёдулар қўрғовида шаҳар аҳли сайрўх қилдилар.

Вилоятдаги меҳнат жамоалари биринчи сентябрий шундай шодёналар билан кўтиб олдилар. Асосий байрам Жиззах шаҳрининг марказий уйингоҳига кўчди. Табрик сўзлар айтилиди, Ватан мадҳияси янгради. «Ўзбекистон муштарак» қўшнини қўйилди. Саҳна ҳақиқий санъат куригига айланди. Энг кўп урин жажжи болақайларга берилди. Улар намойиш этган театрлашган томошаларда бахтли болақаллик учун ватанга, юртбошимизга беғубор миннатдорчилик акс этиб турарди. Миллий марш садолари остида уйингоҳ йўлакларидан асаркарлар, олий авиация билми юрти талабалари она тилимизда қўшқ қўйлаб ўнганларидан беш минг томошани уринларидан туриб олқийшладилар.

Ҳайитбой НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## НАВОИЙ

Уч-тўрт кўндан бўён вилот шаҳар ва туманларини давом эттаётган Мустақиллик шодёнаси 1 сентябрь тонгида Навоий шаҳридаги карнай-сурнайлар садоларига улаиб кетди. Навоийликлар ва шаҳар меҳмонлари байрамона рух билан беэтилган кўча ва хиббонларни тўлдириб гуррас-гуррас кела бошладилар.



Шаҳардаги «Фарҳод», «Ширин» ҳама марказий маданият ва истроҳот боғида мустақилликнинг олти йиллик тўйи муносибат билан катта тантаналар ташкил қилинган. Кўчаларда оқшом-қўшқ махсулотлари савдо-қўриқлаш маркази қўйилди. Карнай-сурнайлар овози одамларни сайлгоҳларга чорлайди. Вилоятдаги энг шувовоз хонада-ю, созаналар, раққослар, ижод аҳли шу ерга тулланган. Савдо ва хизмат кўрсатиш ҳоимларининг қўли-қўлига тегайди. Истиқлол шуқўди, юзқўшқини кайфиёт одамларнинг кўзқўралидан, қатти-ҳаракатларидан сезилиб турибди.

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан улкан иншоотлар барпо этилди, - дейди вилот ҳокими муовини Т. Тешаев. - Хатирини, Навбаҳор, Нурота; Навоий туманларида ўнлаб километрлик ичимлик суви қурувчи ўтказилди, юзлаб хонадонлар галлаштирилди. Янги мактаблар, шифохоналар, турар

жой бинолари, теннис кортлари фойдаланишга топширилди.

Навоийда тантаналарнинг асосий қисми кечқурун бошланди. Кеч соат еттида марказий «Сўғдиёна» уйингоҳида «Соддағоҳим» - мўқаддас Ватан» номи театрлашган оммавий спорт байрами бўлиб ўтди.

Эрта тонгдан бошланган истиқлол шодёнаси кечга довр давом этди. Вилоятдаги 80 дан ортиқ миллий вақиллар бир оғаниндек қўшқ айтадилар, ўйнадилар, бир дастурхон устида гуррунлашдилар.

Эсирган БОЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## САМАРҚАНД

Қадим ва ҳамиша навқирон Самарқанд байрам арафасида ҳар қачонгидан ҳам тантанавор тус олди. Миллиятлар диққатини жалб қилган «Шарқ тароналари» ҳақида мусиқа фестивали Мустақиллик шодёналарига улаиб кетди. Самарқанд таралган энг сара ялла-р жаҳон узра баралла янгради. Унда 37 мамлакат ва икки халқаро ташкилотдан 260 дан зиёд санъаткор қатнашди.



Байрам тантаналари шаҳарнинг Регистон майдонидан бошланди, барча шаҳар ва қишлоқларда қизғин давом этди. Шу кунини вилотнинг шаҳар ва қишлоқларида тураржой, маданият-маиший иншоотлари ишга туширилди. Байрам муносибати билан ташкил этилган халқ амалий санъати ярмаркаси эса самарқандликларнинг ҳурман-дчилиги борасидаги ютуқларини яна бир бор намойиш этди.

Кўшарабда эса - шу кунини туманга ҳам газ этиб келганини билдирувчи белги сифатида «Энгилор олов» қўрилди. Бир сўз билан айтганда, Истиқлолнинг 6 йиллигига

қавий гап. Бироқ ана шу қисқа даврда сирдареликлар мустақилликнинг тоғи меваларидан баҳраманд бўлиб улгуришди. Фақат кейинги бир йил ишда вилотдаги қўтор туман марказларида янги леқхон бозорлари, 14 та янги мактаб биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 20 та янги шифохона, амбулатория, поликлиника ишга туширилди. Улар орасида Шарқ меъморичилиги услубида қурилган бозорлар алоҳида ажралаб турарди.

Истиқлол нима? У, аввало, тинчлик ва ҳурлик нафаси, қўнғил хотиржамлик, дастурхон тўқинлиги, энг катта байрамимизни нишонлаётган минглаб одамлар қалбиди келажакка бўлган ишонқдор.

Алиқўл ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## СИРДАРЁ

Биринчи сентябрь тонги сирдареликлар учун шодлик ва умид рамизига айланди. Гулистон шаҳрининг боғлари, театр майдонлари, кўчалари, марказий уйингоҳ ўша кун юзу кўзларидан шодлик нафаси сезилиб турган одамларга тўлиб кетди.



Кўшарабда эса - шу кунини туманга ҳам газ этиб келганини билдирувчи белги сифатида «Энгилор олов» қўрилди. Бир сўз билан айтганда, Истиқлолнинг 6 йиллигига

қавий гап. Бироқ ана шу қисқа даврда сирдареликлар мустақилликнинг тоғи меваларидан баҳраманд бўлиб улгуришди. Фақат кейинги бир йил ишда вилотдаги қўтор туман марказларида янги леқхон бозорлари, 14 та янги мактаб биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 20 та янги шифохона, амбулатория, поликлиника ишга туширилди. Улар орасида Шарқ меъморичилиги услубида қурилган бозорлар алоҳида ажралаб турарди.

Истиқлол нима? У, аввало, тинчлик ва ҳурлик нафаси, қўнғил хотиржамлик, дастурхон тўқинлиги, энг катта байрамимизни нишонлаётган минглаб одамлар қалбиди келажакка бўлган ишонқдор.

Алиқўл ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## СУРХОНДАРЁ

Ватанимиз Мустақиллигининг 6 йиллиги байрами арафасида вилотдаги қўшқна байрам объектлари қурилиши тугаланиб, фойдаланишга топширилди.

Хусусан, Узун туманида 20 хонадонда ҳовли тўйларни ўтказилди. Янгидан қурилган 9 та қишлоқ врачлик пунктлари халққа хизмат кўрсата бошланди. Ангор туманида 60 уринлик болалар шифохонаси ишга туширилди. Шеробода 844, Ангорда 422, Олтинсой ва Муробод туманларида 360 ўқувчига мўлжалланган мактаб бинолари сентябрда ёш авлодга ўз эшикларини очди.

## ШАХАР ВА ТУМАН МАРКАЗЛАРИ

Барча аҳоли масканларида умумхалқ шанбаликлар ва ҳаётлар уюштирилиб, янги тушган келинчақ уйидек беэтилди. Туйга ҳозирланган муносиб тўёнлар ҳам мактаса арзиқлик.

Байрам арафасида биргина Жиззах шаҳрининг ўзида бир миллионга сўмликдан зиёд иншоотлар қуриб битказилди. Жумладан, Ташкент-Термиз, Жиззах-Кўкон йўллари кесилган ҳудудда «Осиё» аталмиш жаҳон бозорининг биринчи навбати ишга туширилди. Марказий Осиёда ягона булган «СТФ-меҳнат» сўнғий тола фабрикаси бирийўла 400 кишини ўз бағрига олди.

Мустақиллик майдонига туташ жойда эса қисқа муқддатда ўн гектарлик боғ барпо этилиб, мағнавий ва маърифат мажмуғи асос солинди.

Бир сўз билан айтганда, катта байрам шодёналарини Жиззаха мана шундай хул қайфиёт ила кйриб келди. Тантаналар, халқ сайиллари эрта тонгдаёқ карнай-сурнай оҳанглари, бахт-

қавий гап. Бироқ ана шу қисқа даврда сирдареликлар мустақилликнинг тоғи меваларидан баҳраманд бўлиб улгуришди. Фақат кейинги бир йил ишда вилотдаги қўтор туман марказларида янги леқхон бозорлари, 14 та янги мактаб биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 20 та янги шифохона, амбулатория, поликлиника ишга туширилди. Улар орасида Шарқ меъморичилиги услубида қурилган бозорлар алоҳида ажралаб турарди.

Истиқлол нима? У, аввало, тинчлик ва ҳурлик нафаси, қўнғил хотиржамлик, дастурхон тўқинлиги, энг катта байрамимизни нишонлаётган минглаб одамлар қалбиди келажакка бўлган ишонқдор.

Алиқўл ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Тошкент вилоятида бу йил давлатга пилла ва галла топшириш буюртмалари бажарилди. Жойларда, айнқисса, қишлоқ ҳўжалик секторини иқтисодий ислохотлар қўлимини янада изчиллаштириш борасида амалий ишлар қилинмоқда.

Тошкент вилоятида бу йил давлатга пилла ва галла топшириш буюртмалари бажарилди. Жойларда, айнқисса, қишлоқ ҳўжалик секторини иқтисодий ислохотлар қўлимини янада изчиллаштириш борасида амалий ишлар қилинмоқда.

Тошкент вилоятида бу йил давлатга пилла ва галла топшириш буюртмалари бажарилди. Жойларда, айнқисса, қишлоқ ҳўжалик секторини иқтисодий ислохотлар қўлимини янада изчиллаштириш борасида амалий ишлар қилинмоқда.

Тошкент вилоятида бу йил давлатга пилла ва галла топшириш буюртмалари бажарилди. Жойларда, айнқисса, қишлоқ ҳўжалик секторини иқтисодий ислохотлар қўлимини янада изчиллаштириш борасида амалий ишлар қилинмоқда.

Тошкент вилоятида бу йил давлатга пилла ва галла топшириш буюртмалари бажарилди. Жойларда, айнқисса, қишлоқ ҳўжалик секторини иқтисодий ислохотлар қўлимини янада изчиллаштириш борасида амалий ишлар қилинмоқда.

## ФАРФОНА

Дилбар Фарғонада мустақиллигимизнинг қўтулг ва улуг байрами бошланганига анча кўн бўлди. Байрам тантаналари маҳалла ва гузарлар, қишлоқлар, шаҳарлар ҳама туманлардан секин-аста вилот марказига қйриб келди.



Биргина ўтган байрамдан бу галти байрамга қадар вилотда юздан ортиқ турли объектлар, маданият-маиший муассасалар, мактаблар, болалар иншоотлари қуриб фойдаланишга топширилди. Республика нефть саноати гиланти «Узнефтин қайта ишлаш» корхонасида бир йил давомда 17 турда янги махсулот ишлаб чиқарилиди. Айнқунларда корхона хорижий технология асосида қайта қуриш ишлари жадвал сурьтада олиб борилаётти. Шу мақсадда 200 миллион АҚШ доллари миқдоринда чет эл инвестицияси жалб қилинган.

Қўтулг байрамни қўқонликлар, айнқисса, катта шодёна билан нишонладилар. Бу ерда байрам арафасида темир йўл шоқубекатининг янги замонавий биноси фойдаланишга топширилди. У жаҳондаги энг аъсо-теқнологик тизимдаги, азбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Шунингдек, болалар шифохонаси, фахрийлар боғи қўтулг тўйга энг муносиб совға бўлди. Қўқонликлар ҳамшаҳарлари - 10-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси Манзураҳон Мадалиевага «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бе-

риланганини хушнудлик билан қарши олинди. Байрамларнинг бори яхшида. Шаҳардаги юздан зиёд кам ташминланган оилаларнинг болаларига суннат тўйи қилиб берилди. Ушбу байрания маросимида 50 дан зиёд фирмалар ҳомийлик қилдилар.

Сўлим Фарғона шаҳрининг ўзида эса «Отгон водий» чойхонаси, еттига маҳаллада қишлоқ врачлик пунктлари, Ўзбекистон туманининг «Элаш», «Тошкент туманининг Қонизар», «Отнариқ туманининг Файзи» оқшом қишлоқларида янги мактаблар ишга туширилди.

Байрам кўни энг катта тантана Фарғона шаҳридаги Дустилик майдонига бўлиб ўтди. «Ишон улуг- Ишон азиз» деб номланган театрлаштирилган болалар томошаларининг вилотнинг барча шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган меҳмонлар томоша қилдилар.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

## ХОРАЗМ

Собиқ тузумнинг сўнғи йилларида Хиванинг 2500 йиллигини нишонлаш юзасидан Москвага юборилган илтимоснома суқут аломати ила рад этилганди. Не бахтки, бугун қадимий шаҳар тўйига бевосита мустақил давлатимиз раҳбарининг ўзи бош-қош бўлмоқда. Дунёдаги қўлпаб халқаро ташкилотлар қадим ўзбек шаҳри тавабрур ўшининг тантанали нишонлашига хайрихоҳлик билдириб, ўтказилажак улкан тадбирда иштирок этишни уларини учун шараф деб билимоқдалар.

Биргина ўтган байрамдан бу галти байрамга қадар вилотда юздан ортиқ турли объектлар, маданият-маиший муассасалар, мактаблар, болалар иншоотлари қуриб фойдаланишга топширилди. Республика нефть саноати гиланти «Узнефтин қайта ишлаш» корхонасида бир йил давомда 17 турда янги махсулот ишлаб чиқарилиди. Айнқунларда корхона хорижий технология асосида қайта қуриш ишлари жадвал сурьтада олиб борилаётти. Шу мақсадда 200 миллион АҚШ доллари миқдоринда чет эл инвестицияси жалб қилинган.

Қўтулг байрамни қўқонликлар, айнқисса, катта шодёна билан нишонладилар. Бу ерда байрам арафасида темир йўл шоқубекатининг янги замонавий биноси фойдаланишга топширилди. У жаҳондаги энг аъсо-теқнологик тизимдаги, азбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Шунингдек, болалар шифохонаси, фахрийлар боғи қўтулг тўйга энг муносиб совға бўлди. Қўқонликлар ҳамшаҳарлари - 10-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси Манзураҳон Мадалиевага «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бе-

риланганини хушнудлик билан қарши олинди. Байрамларнинг бори яхшида. Шаҳардаги юздан зиёд кам ташминланган оилаларнинг болаларига суннат тўйи қилиб берилди. Ушбу байрания маросимида 50 дан зиёд фирмалар ҳомийлик қилдилар.

• ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

## ЯША, ОЗОДЛИК!

Озодлик! Сени мен кўзимнинг қони-ла ювганман,  
Сен-ла илганман, сен-ла совганман,  
Юрагим ичида боламдай кўрганман,  
Лабингга лаб кўйиб таъминини сўрганман.  
Озодлик! Оёқлар остига бормасман!  
Озодлик, қояман, соя эмасан,  
Шошсан, Самарқандсан, Кўқонсан, Гурганж.  
Сўлимсан, ўлиммас -- сен Ургутимсан,  
Соримсан, матрур зўр бургутимсан.  
Сенсиз қандай яшай, ҳавосан, сўсан.  
Жонсан, жонганимсан, ютоққанымсан,  
Сенсиз ҳаёт борми, Озодлик!  
Сенсиз нажот борми, Озодлик!  
Кўрганман, кувганини, изганини,  
Сарсонни, янчилан, топлаган кунни,  
Сиртмоққа илган момони кўрганман,  
Мунгли мен кўрганман, у билан турганман,  
Оёқлар остига бормайман Озодлик!  
Мен сени елкамга опичлаб олайми,  
Самога чиқайми, худодан сўрайми,  
Исмингни оловга тоблаб олайми.  
Китобинг ўқийман, ҳижжалаб ўқийман,  
Динингга кирганман, динингдан чиқмайман.  
Йўлингга тушганман, бошимни тикканман,  
Даламга қалбимнинг кўрини экканман.  
Озодлик, оёқлар остига бормайман.  
Сен меннинг кенжатай сўқсур ўлимсан,  
Эмизик оғзида кулагани кулган.  
Бошини ҳидлайман, ҳидинг бошқа сенинг,  
Ўзинг бошқа сенинг, Озодлик!

Сен менинг кўкрагим, қичқирганимсан,  
Виқор-ла айтилган мақтовим.  
Белимдаги қувват, оғзимдаги илқ,  
Ўзингсан оловим, Озодлик!  
Бормасман оёқлар остига!  
Суюнчим, кулгучим, тилла қилчим,  
Тахту Сулаймоним, аҳду паймоним.  
Подшоҳим, шаҳзодам, шохийзодам,  
Озодлик сен -- Ота!  
Отани шидонга бермаслар Озодлик!  
Устюртда қирқилиб қолган жонимсан,  
Ҳинда адашганим маҳзун каломим.  
Гафлат дунёсини уйотган ҳам сен,  
Сенсан, Қажқашога берган саломим.  
Сен кўрлар табиби, нулар ҳабиби,  
Чароған-чароғим, Озодлик!  
Яққалам сен, пири назм сен,  
Навоий сен, мангу азм сен,  
Ҳазиний сен, руҳга ажам сен,  
Туғилмак сингари навоит базм сен.  
Шу базм ичида сенга ошқанман,  
Айланиб-айланиб кўчага ўхшайман.  
Кундай кўшиқчиман, тондан айтгайман,  
Этагинг очасан, этакка қайтгайман.  
Озодлик -- сув бердинг, қандай сув эди,  
Тирноғу сочмга тўқлик югурди.  
О, лазиз лаззатим, Озодлик!  
Юрагим тўқ эди, Озодлик!  
Оёқлар остига бормасми!

Абдували ҚУТБИДИН.

ЎРГИЛАЙИН,  
ОНА ЮРТ!

Водийларим, воҳам, дашту адирим,  
Сен-ла ҳамнафасдир ўйларим, сирим,  
Тақдирингга туташ эрур тақдирим,  
Жамолингдан ўргилайин, Она юрт!

Куюк бўлсанг, мен ҳам nochор, куюкман,  
Суюк бўлсанг, мен ҳам азиз, суюкман,  
Буюк бўлсанг, буй-баста тик, буюкман.  
Камолингдан ўргилайин, Она юрт!

Кўҳна тарих шонинг эди бир тараф,  
Бойликларинг, конинг эди бир тараф,  
Ўзилмаган жонинг эди бир тараф,  
Иқболингдан ўргилайин, Она юрт!

Соғинаман сендан узоқ кетган он,  
Талавсага тушгай танида ширп жон,  
Юрак-баргим ҳижронингда бўлур қон,  
Висолингдан ўргилайин, Она юрт!

Қон-қонларга сингиб борар тўйларинг,  
Кўз олдидан юксалади бўйларинг,  
Барча ўйдан ширин сенинг ўйларинг,  
Хайлингдан ўргилайин, Она юрт!  
Иқболингдан ўргилайин, Она юрт!

Исмоил ТУХТАМИШ.

## ГУЛ ДИЁР

Аё, Тангирим, ўзингдан бир ўтинчим бор,  
Шундан ўзар на қувонч, на соғинчим бор,  
Юрагимда Турон деган севинчим бор,  
Емон кўзу нафаслардан ўзинг асра.

Ўзбек деган номи озғиб юрди қанча,  
Адашган қарвони озғиб юрди қанча,  
Зурларисиз зори озғиб юрди қанча,  
Емон кўзу нафаслардан ўзинг асра.

Елкаси офтоб кўрмаган йиллари кўп,  
Бириси икки бўлмаган йиллари кўп,

Туйдириб, ўзи тўймаган иллари кўп,  
Емон кўзу нафаслардан ўзинг асра.


Лойқа сувар тинди бир кун, тинди бир кун,  
Сабр деган синди бир кун, синди бир кун,  
Байрам бўлди унга шу кун, унга шу кун,  
Емон кўзу нафаслардан ўзинг асра.

Бу кун бошига бахт кўнди, қувонурман,  
Кўксига ҳам шамол теғди, қувонурман,  
Йуллари ҳам равои эди, қувонурман,  
Емон кўзу нафаслардан ўзинг асра.

Қайтиб қифасга сиғмайди озод қушим,  
Қуллик азобини билмайди озод қушим,  
Икки дунё кам бўлмайди озод қушим,  
Емон кўзу нафаслардан ўзинг асра.

Аё, Тангирим, жоним бўлган шу диёрни,  
Тоши тилло, тупроқлари гул диёрни,  
Мустақиллик туғиб берган ХУР диёрни  
Емон кўзу нафаслардан ўзинг асра!

Гулҳебра ЙҮЛДОШЕВА.



Ташкилот Тошкентдаги омборидан

ARMSTRONG

ОСМА ШИФТЛАРНИ СОТАДИ  
2200 сўм./кв.м

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.

Тел.: (3712) 76-52-45, 76-49-56. Пейж. (067) 27-76.

## МАНФААТ КЎРАЙ ДЕСАНГИЗ

## "ЗАРБУЛОҚ-ИНВЕСТ"



хусусийлаштириш инвестиция фонди

томонидан меҳнаткаш  
халқимиз ихтиёрига чиқарила  
бошланган акцияларни сотиб  
олишни ёдингиздан чиқарманг.  
Хар бир акция баҳоси 100 сўм.  
Лекин унинг қиммати давлат  
томонидан бериладиган актив билан ҳисоблаганда  
600 сўмни ташкил этади.



"ЗАРБУЛОҚ-ИНВЕСТ" нинг  
Устав фонди 100 миллион  
200 минг сўм миқдорига  
рўйхатдан ўтди.

"ЗАРБУЛОҚ-ИНВЕСТ"  
акцияларини сотиб  
олсангиз, кам  
бўлмайсиз.

Акцияларни Халқ банки ва "Турон"  
банкнинг барча бўлимларида ҳамда  
республика Биржа марказида — "Правда Востока" кўчаси, 10-уй,  
10-хонада (ички тел.:248) жойлашган фонд дўконидан сотиб  
олишингиз мумкин.

Бежавотир ва беминнат даромад келишини хоҳласангиз,  
марҳамат. "Зарбулоқ-инвест" акциясини харид қилинг!

"Зарбулоқ-инвест" ХИФ "Ишонч-Дилер" бошқаруви.

Мустақиллик муборак, эй, она халқим!  
Мустақиллик муборак, эй, азиз Ватан!



Қадимий ва навқирон юрт "Шарқ дарвозаси" —  
темурийлар даврининг қаҳқашони бўлган  
азим Самарқанддан Сиз, азиз юртдошларга  
энг эзгу тилаклар йўлаймиз.  
Шундай қувончли айёмларда,  
тўю маъракаларда  
дастурхонингизга ўз  
маҳсулотларимиз билан  
файз қўшаётганимиздан  
мамнунмиз!

САМАРҚАНД - ПРАГА кўшма корхонаси жамоаси.

Манзил: Самарқанд шаҳри, "Озод Шарқ" кўчаси, 2.  
Телефонлар: 31-24-04, 33-75-07.

